

Индонезия ҳалол маркасида 1,6 млрд доллар фойда кўрмоқчи



13:41 / 11.02.2019 2326

Гап шундаки, Индонезия ҳукумати барча истеъмол товарлари учун мажбурий ҳалол маркасини жорий этишни режалаштирмоқда. “Halal” маҳсулот сифати кафолати агентлиги (BPJPH) раҳбари Сукошонинг маълум қилишича, шампундан тортиб тиш ювиш пастасию барча косметкаларни ўз ичига олган истеъмол товарларига ҳалол сертификатлари берилиши ҳукуматга йилига 22,5 триллион рупий (1,6 млрд доллар) миқдорида фойда келтириши тахмин қилинмоқда. Унинг гапига қараганда, мажбурий ҳалол сертификатлаштириш ҳақидаги қоидалар лойиҳасини тасдиқлаш учун давлат раҳбарига киритилган, деб хабар беради Bloomberg.

Индонезия ҳалол сертификатлаштириш қоидасига катта эътибор қаратмоқда, чунки 2022 йилга келиб мамлакатнинг шариат қоидалари

бўйича иқтисодиёти (шаръий иқтисодиёти) 427 млрд. долларга ўсишига умид қилинмоқда. Чунки мамлакат банкининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳалол озиқ-овқат маҳсулотлари 50 фоизни ташкил этмоқда. 2014 йилда қабул қилинган мамлакат қонунига кўра, жорий йил 17 октябригача мажбурий ҳалол маркасини жорий этилиши шарт. Мажбурий ҳалол сертификатлаштириш ҳақидаги қоида кучга кирганидан кейин ВРҶН Индонезия уламолари кенгаши (диний фатволар чиқарувчи ташкилот) ва аудиторлар билан ҳамкорликда унинг ижросини назорат қилиб боради, дейди агентлик раҳбари. Янги қоида барча хизмат ва товарларни озиқ-овқатлардан тортиб, сувлар, дори-дармонлар, косметика, биологик, кимёвий ва генно-инженерлик маҳсулотлари, барча истеъмол товарларини сертификат қилишни талаб этади. Сукошонинг айтишича, жараён қадам-қадам олиб борилади. “Олдин биз озиқ-овқатлар ва сувлардан бошлаймиз. Агар бирорта маҳсулот ҳалол талабларига жавоб бермаса, ишлаб чиқарувчиларга беш йилгача бу муаммони ҳал этишга имконият берилади”, – дейди Сукошо. Маълум бўлишича, Агентлик келаси йилда 100 000 мингта сертификат чиқармоқчи ва 2020 йилгача аудиторлар сонини ҳам 5000 тага етказмоқчи.

Islom.uz портали таҳририяти